

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.F.01.05. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВ СЕРОБЖОН ЎРМОНАЛИЕВИЧ

**ЖАМИЯТНИ ИЛМИЙ БОШҚАРИШДА ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ**

**09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси
(Маданият фалсафаси ва маданиятшунослик)**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences**

Юлдашев Серобжон Ўрмоналиевич

Жамиятни илмий бошқаришда ижтимоий-маданий технологияларнинг
ўрни.....3

Юлдашев Серобжон Урманалиевич

Место социально-культурных технологий в научном управление
общества.....19

Yuldashev Serobjan O'rmonaliyevich

The place of social-cultural technology in the scientific government of
society.....36

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works40

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 30.12.2019. F.01.05. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВ СЕРОБЖОН ЎРМОналиевич

**ЖАМИЯТНИ ИЛМИЙ БОШҚАРИШДА ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ**

**09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси
(Маданият фалсафаси ва маданиятшунослик)**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Fal95 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-falsafa.nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қаҳҳорова Матлюба Манофовна
фалсафа фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Нурматова Мукаррам Ахмедовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Туленова Гулмира Жандаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc. 30.12.2019.F.01.05. рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «10» декабрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.:(99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Н.А.Шермухамедова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, фалсафа
фанлари доктори, профессор

У.А.Маҳкамов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
ф.д. (PhD)

Г.Т.Махмудова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, фалсафа
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги глобал ўзгаришларга муносабат билдириш воқеаларнинг моҳиятини тушуниш жамиятни илмий бошқаришда ижтимоий-маданий технологиялардан фойдаланиш зарурлигини тақозо этмоқда. Технократик тараққиёт одамларда давр руҳига мос билимларни ўзлаштиришга эҳтиёжни оширмоқда. Давлат ва жамият бошқарувида ижтимоий-маданий технологияларнинг тизимли ташкил этишга зарурат ортмоқда. Шахслараро анъанавий муносабатлар ижтимоий-маданий технологиялар ёрдамида такомиллашмоқда. Шу сабабли, ижтимоий-маданий технологияларни илмий концептуал тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг илмий тадқиқот институтлари ва марказларида ижтимоий-маданий технологияларнинг давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш, шахслараро мулоқотда инновацион ёндашувни шакллантириш, маданиятлараро диалогнинг янги босқичига ўтишдаги аҳамиятини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда, уларда уч минг йилликда ривожланаётган маданий алоқаларнинг янги тизимидаги ижобий ва салбий жиҳатлари аниқланмоқда. Ижтимоий-маданий технологиялар виртуал борлиқнинг шаклланишига ва айни пайтда ундан фойдаланиш меъёрларини бузилиши одамларнинг бегоналашувига сабаб бўлмоқда. Бу эса, инсониятнинг ижтимоий-маданий технологиялардан оқилона фойдаланишда ахборотларни танлаш, саралашни таъминловчи янги методологик ёндашувларга асосланган тадқиқотларга бўлган заруратни кучайтирмоқда.

Ўзбекистонда технологик янги бошқарувни жорий этилиши давлат ва жамият бошқарувининг ижтимоий-маданий технологияларидан фойдаланиш заруратини келтириб чиқармоқда. Давлат бошқарувида «Халқ қабулхоналари», «Ягона дарча», «Электрон ҳукумат» тизими ва ягона ҳужжатлар базасининг ташкил этилиши Ўзбекистонда ижтимоий-маданий технологик жараён жадал суръатларда ривожланаётганидан далолат бермоқда. Зеро, «Жамиятни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларимиз натижасида янги Ўзбекистон шаклланимоқда»¹. Бу стратегик тарзда, янги тараққиёт босқичида жамиятни илмий бошқаришнинг ижтимоий-маданий технологияларни комплекс ўрганишни кун тартибига қўймоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ-445-сон «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги ПФ-5430-сон «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи. <http://uza.uz/oz/politics/> 23-09-2020.

фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Ижтимоий-маданий технологиялар ижтимоий-сиёсий соҳани такомиллаштириш, кадрлар сиёсати ва бошқарув маданиятини демократик қадриятларга мувофиқ юксалтиришдаги аҳамиятига оид концептуал ғоя ва фикрлар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг², шунингдек, Президент Ш.М.Мирзиёевнинг асарларида³ очиб берилган. Ҳозирги даврда «Ўзбекистон Республикаси халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини оқламоқда»⁴, шу нуқтаи назардан жамиятни илмий бошқаришда ижтимоий-маданий технологиялардан фойдаланиш ижтимоий ҳаётнинг муҳим таркибий қисми сифатида намоён бўлмоқда.

Жамиятда шахслараро муносабатлар маънавий, ижтимоий-маданий янгиланиш омили эканлиги Шарқ ва Ғарб мутафаккирлар ижодида очиб берилган. Хусусан, Авестодаги «Покхулқли юрт ҳамиша тараққиёт ва юксалишда бўлади»⁵, деган ғоя маънавий юксалиш ва покликка таянишга ишорадир. Ал-Фаробий «Ҳақиқий бахт-саодатга етишув йўлида бир-бирларига ёрдам бериб яхши, гўзал иш амаллар қилувчи одамлар яшайдиган шаҳар фозила шаҳар»⁶ деб таъкидлайди, бу фикр жамиятдаги ижтимоий-маданий жараёнлар шахслараро муносабатларнинг кафолати эканлигининг далолатидир. Платон «Қаердаги қонунлар ҳокимлар устидан ҳукмрон бўлса, ҳокимлар эса қонунга қул бўлса, ўша давлатга худолар неъматлар ёғдиради»⁷, деган ғояси жамият барқарорлиги қонун устуворлиги билан ҳамоҳанг эканлигига далилдир. Низомулмулк «Шоҳ ва ҳокимларни адлу инсофга, сулҳ ва мурувватга, давлатни оқилона бошқариб, қатъий қоида ва тартиб ўрнатишга, амалдорларни виждонли, пок, ҳалол ва имонли бўлишга,

² Каримов И.А. Асарлар тўплами, 1-24 жилдлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996-2015.

³ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Том.1. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 Б; Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Том. 2. –Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 508 Б; Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Том. 3. - Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 400 Б; Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. Том. 4. – Тошкент. Ўзбекистон, 2020. – 456 Б.

⁴Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси//22.12.2017.<http://uza.uz>.

⁵ «Авесто»дан «Шоҳнома»га / Ҳомиджон Ҳомидий. Маъсул муҳаррир Н.Комилов. – Тошкент: Шарқ, 2007.- 155 Б.

⁶ Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 239 Б.

⁷ Афлотун. Қонунлар. Рус тилидан Ўрфон Отажон таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 38 Б.

мамлакат ободлиги, унинг аҳли фаровонлиги, тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш учун ҳаракат қилишга даъват этади»⁸. Бу эса, мамлакатдаги ижтимоий-маданий фаровонликни бошқарув тизимидаги раҳбар-кадрларнинг масъулиятига боғлиқдир. Шунингдек, бу фикр ҳозирги даврда бошқарув маданиятини такомиллаштириш учун илмий-назарий асосдир.

Ўзбекистон файласуф олимларининг жамиятни илмий бошқариш ва унда ижтимоий-маданий технологияларнинг ўрнига оид илмий тадқиқотлар кўп бўлмаса-да, унинг баъзи жиҳатлари тадқиқ этилган. Масалан, Ж.Туленов «Жамиятда ижтимоий ҳодисаларни олдиндан билиш ва кенг мушоҳада этиш кишиларнинг орзу-истакларига эмас, балки жамият тараққиётининг ижтимоий-маданий қонуниятларини пухта билишига»⁹ эътиборни қаратган. Ф.Мусаев ўзининг докторлик диссертациясида демократик жамият қуришда ижтимоий ислохотларнинг назарий жиҳатларини, Х.Ҳайдаров жамият қонунлари-ислохотлар жараёнларини билиш ва бошқариш омили эканлигини, А.Султонов Ўзбекистонда ижро ҳокимиятини бошқарув маданиятининг ривожланиш жараёнларини илмий тадқиқот ишларида асослаган.

Хорижлик файласуф К.М.Хендерсон, О.П.Двиведи, Н.А.Бандаренко, А.Файол жамият бошқарув маданиятининг субъектив сабабларини, жумладан, жамият бошқарувида ижтимоий-маданий технологияларни рағбатлантирувчи омил сифатида қабул қилинган ва ижобий муносабатларни шакллантириш асосида меҳнат унумдорлиги ошганлигини¹⁰ асослаган. Мазкур ижтимоий-маданий жараёнлар бошқарув технологиясида кўпқирралигидан далолат беради. Ф.У.Тейлор, М.Вебер, М.Х.Мескон жамият бошқарув маданиятининг субъектив ва объектив жиҳатларидаги ўзаро боғлиқлигини, В.Г.Афанасьев ижтимоий-маданий технологиялар интеграциялашган тизим ҳодисалар ва жараёнлар мажмуи бўлиб, у бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган ижтимоий-маданий жараёнда ижтимоий-иқтисодий шаклланишни ўз ичига олишини¹¹ илмий таҳлил қилган. Н.Луман, Ю.П.Сурмин, Н.В.Туленков жамиятни илмий бошқаришнинг ижтимоий-маданий технологияларнинг кадрлар салоҳияти билан боғлиқлигини ўрганган¹². Шунингдек, Россия Фанлар Академияси социал бошқарув ва социологик технологиялар институтининг «ЦОРУСТ» маркази¹³, Сингапур илмий маркази¹⁴, Голландиянинг Вагенинген университети ва тадқиқот маркази¹⁵ да ижтимоий-маданий технологияларнинг аҳамияти тадқиқ этилмоқда.

Илмий тадқиқот институтларининг бошқарув, ижтимоий-маданий жараёнлар диалектикасига оид илмий ишларининг таҳлили, уларда жамият

⁸ Низомулмулк. «Сиёсатнома» («Сияр ул-мулк»). Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 10 Б.

⁹ Ж. Туленов Ҳаёт фалсафаси. Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – 309 Б.

¹⁰ Mayo E. The Human Problems of an Industrial Civilization. New York : Viking Press, 1960. – P. 96

¹¹ Афанасьев В.Г. Научное управление обществом. Москва: ИПЛ. 1973. С – 54.

¹² Мазкур олимларнинг ишлари «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

¹³ Центр социологии управления и социальных технологии. Институт Социологии РАН.

¹⁴ Singapur Science Centre (<https://www.science.edu.sg>) (Сингапур).

¹⁵ Wageningen University and Reserch Center (Нидерландия).

бошқарувида раҳбар, ижтимоий муҳитнинг роли алоҳида предмет сифатида ўрганилганлигидан далолат беради. Бироқ бу илмий тадқиқот ишларида жамият тараққиётида ижтимоий-маданий технологияларнинг ўрни ва аҳамиятига эътибор қаратилмаганлиги боис, ушбу диссертация жамият бошқарувида ижтимоий-маданий технологияларнинг аҳамиятини асослашга қаратилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 01-1-345 - сон «Маданият фалсафаси ва унинг ҳозирги замон ижтимоий тараққиётидаги ўрни» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жамиятни илмий бошқаришда ижтимоий-маданий технологияларнинг устуворлик категориясининг илмий-фалсафий жиҳатларини асослаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ижтимоий-маданий технологияларнинг жамиятни илмий бошқаришда халқ билан мулоқот воситаси сифатидаги аҳамиятини очиқ бериш;

жамиятни илмий бошқариш фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаштиришда ижтимоий-маданий технологияларнинг инновацион моделларини аниқлаш;

раҳбар кадрларнинг ижтимоий-маданий технологияларидан бошқарув жараёнида фойдаланиши халқ билан мулоқотнинг самарадорлик омили эканлигини асослаш;

аҳоли турли қатламлари ўртасидаги мулоқотда ижтимоий-маданий технологияларни тартибга солувчи-бошқарув функциясидан фойдаланиш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда давлат, жамият, шахс муносабатларида ижтимоий-маданий технологиялардан фойдаланиш амалиёти ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети жамиятни илмий бошқариш тизимидаги ижтимоий-маданий технологиялар

Тадқиқотнинг усуллари. Умумий ўзаро алоқадорлик, тарихийлик, тизимлилик, анализ, гипотетик-дедуктив усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ижтимоий-маданий технологияларнинг жамиятни илмий бошқаришда халқ билан мулоқот воситаси сифатидаги аҳамияти гипотетик-дедуктив метод орқали исботланган;

жамиятни илмий бошқариш фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаштиришда ижтимоий-маданий технологияларнинг инновацион моделининг миллий-маданий йўналишдаги самарадорлиги асосланган;

раҳбар кадрларнинг ижтимоий-маданий технологияларидан бошқарув жараёнида фойдаланиши халқ билан мулоқотнинг рационаллик омили эканлиги далилланган;

аҳоли турли қатламлари ўртасидаги мулоқотда ижтимоий-маданий технологияларни тартибга солувчи-бошқарув функцияга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жамиятни илмий бошқаришда раҳбар кадрларнинг ижтимоий-маданий технологиялардан фойдаланишида халқаро тажрибага таяниши ўзаро ҳамкорликнинг омили эканлигини асослаш;

ижтимоий-маданий технологиялардан жамият ривожининг янги босқичи талабларига жавоб сифатида аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришдаги механизмларини такомиллаштиришга бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жамиятни илмий бошқаришда ижтимоий-маданий технологиялардан конструктив мақсадларидан фойдаланиш, уларнинг кундалик илмий фаолиятдаги аҳамиятини тушунишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Олий таълим муассасаларида «Фалсафа», «Педагогика», «Социология», «Фуқаролик жамияти» каби фанлар бўйича маъруза матнлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш, шунингдек, «Беш ташаббус» лойиҳасида белгиланган вазифаларнинг амалга оширишда жамоат ташкилотларидаги илмий-маърифий тадбирларни жорий этишда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жамиятни илмий бошқаришда ижтимоий-маданий технологияларнинг ўрнига оид олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари:

ижтимоий-маданий технологияларнинг жамиятни илмий бошқаришда халқ билан мулоқот воситаси сифатидаги аҳамияти, илмий-назарий хулосалари Фарғона давлат университетининг 2017-2020 йилларга мўлжалланган «Имконияти чекланган болалар ижтимоий-маданий фаолиятининг бадиий-ижодиёт воситалари асосида назарий ва амалий такомиллашуви» мавзусидаги ОТ-Ф1-100 рақамли фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 16 июлдаги 89-03-2788-сон маълумотномаси). Натижада ижтимоий-маданий технологиялардан фойдаланишда халқнинг сиёсий фаоллигининг ошиши, технократик тафаккурнинг шаклланиши, ижтимоий-маданий фаолиятнинг такомиллашишига хизмат қилган;

жамиятни илмий бошқариш фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаштиришда ижтимоий-маданий технологияларнинг инновацион модели эканлигига оид ғоялар Республика маънавият ва

маърифат Кенгаши маркази маънавий-маърифий ишлар фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган махсус курснинг «Жаҳолатга қарши маърифат» номли ўқув қўлланмасининг «Ижтимоий маданият» ва «Жамият тараққиётининг технологик босқичи» деб номланган мавзуларини тайёрлашда фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат Кенгаши Республика маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 19 сентябрдаги 02/09-1285-сон далолатномаси). Тадқиқот натижасида узлуксиз маънавий тарбия концепциясининг амалиётга жорий этилиши ҳамда «Беш ташаббус» лойиҳасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган тадбирлар мазмунини бойитишга хизмат қилган;

раҳбар кадрларнинг ижтимоий-маданий технологияларидан бошқарув жараёнида фойдаланиши халқ билан мулоқотнинг самарадорлик омили эканлигига оид хулосалар Ўзбекистон Республикаси Ёшлар Иттифоқининг 2019 йилга мўлжалланган «Ёшлар-келажагимиз» давлат дастури ижросини таъминлашга қаратилган илмий-амалий тадбирларни ташкил қилиш, услубий тавсиялар, дастурлар ҳамда қўлланмалар яратиш банди ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгашининг 2019 йил 16 сентябрдаги 04-13/4231-сон маълумотномаси). Натижада ёш раҳбар кадрларнинг дунёқарашида ижтимоий-маданий технологиялар нафақат билим эгаллаш балки халқ билан мулоқот воситаси эканлигини очиб беришга хизмат қилган;

аҳоли турли қатламлари ўртасидаги мулоқотда ижтимоий-маданий технологияларнинг тартибга солувчи-бошқарув функциясидан фойдаланишнинг хавфсизлик омили сифатидаги амалий аҳамиятига оид таклиф ва тавсиялардан фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича олиб борилаётган ишларни ташкил этишда фойдаланилган (Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг 2019 йил 9 октябрдаги 04-13/1931-сон маълумотномаси). Мазкур натижалар ижтимоий-маданий технологиялардан конструктив мақсадларда фойдаланиш маҳаллада яшовчи фуқароларнинг ислохотларга нисбатан дахлдорлик туйғусини ошишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза шаклида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола (3 та республика, 1та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 147 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, объекти ва предмети, методлари, мақсади ва вазифалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация ҳажми бўйича маълумотлар асосланган.

Диссертациянинг «**Жамиятни илмий бошқаришда ижтимоий-маданий технологияларнинг назарий-методологик жиҳатлари**» бобида янгиланаётган Ўзбекистон тараққиётида жамиятни илмий бошқаришда ижтимоий-маданий технологиялардан фойдаланишни такомиллаштиришнинг зарурати очиб берилган.

Тадқиқотчи муаллифлар жамоасининг «Ижтимоий бошқарув: назария ва методология» асаридаги «ижтимоий-маданий технологиялар»га «Ижтимоий жараёнлар тобора ривожланиб, ўсиб бораётган ўзаро боғлиқлик, жўшқинлик ва янгиланиш шароитида инсон ҳаётининг фаолиятини оптималлаштириш-самарадорлигини оширишнинг усули»¹⁶ маъносидаги таърифини иқтисодчи ва социологларнинг таърифлари билан қиёсий таҳлил этган, ижтимоий-маданий технологияларни инсон ҳаётига ижобий ва салбий таъсирини асослаган.

Муаллиф В.Г.Афанасьевнинг «Ижтимоий-маданий технологиялар ижтимоий субъектларнинг ўзаро таъсирини мақсадга йўналтирилган тарзда ташкил этади»¹⁷ деган фикрига қўшилади. Унинг фикрича, бу жараёнда бир томондан субъект – ўзаро ҳаракат ташкилотчиси ва қайта қуришнинг ташаббускори, иккинчи томондан – ижтимоий субъект – ўзаро ҳаракат иштирокчидир. А.И. Пригожиннинг фаол ижтимоий ҳаёт босқичи янгиланишида маълум ижтимоий-маданий технологиялар ишлаб чиқилади, жараёнларда мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал этиш йўлларини кўрсатади¹⁸, деган қарашига ижобий баҳо беради. Муаллиф фикрича, ижтимоий-маданий технологиялар жамият тараққиётининг муайян босқичида одамларнинг эҳтиёжларига жавоб сифатида пайдо бўлган ва бошқарув тизими кундалик ҳаётнинг зарур таркибий қисми сифатида ривожланмоқда. Зеро, ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни аниқлаш мақсадида билимларнинг ўзгарувчанлиги, қарорларни тайёрлаш, уларни ривожлантириш ва амалга оширишда намоён бўлади. Ҳуқуқий демократик давлатда жамият маънавий ҳаётини такомиллаштириш, унинг интеллектуал салоҳиятли (жамиятни илмий бошқаришда) вакилларининг рағбатлантириш нуқтаи назардан ижтимоий-маданий технологиялар муҳим аҳамиятга эга.

¹⁶ Социальное управление: Теория и методология. - Москва: Муниципальный мир, 2004. - С 320.

¹⁷ Афанасьев В.Г. Социальная информация и управление обществом. - Москва: Политиздат, 1975. -С 121.

¹⁸ Пригожин А.И Нововведения: стимулы и последствия (социальные проблемы инноватики). - Москва: Политиздат, 1989. –С 271.

Тадқиқотда, жамиятни илмий бошқаришда ижтимоий-маданий технологияларнинг генезиси ва унинг эволюцияси илмий билиш тарихи билан бевосита боғлиқлиги асосланган. Чунки, бирон-бир кашфиёт амалда қўлланилиши натижасида илмий билишнинг тегишли соҳаси жадал суръатларда ривожлана олмаслигини, техниканинг ривожланиши фанда инқилоб ясадини кўрсатади. Бошқарув маданияти эса барча соҳа ва йўналишларда муайян мақсадга, белгиланган натижага эришиш йўлида инсоний салоҳиятни рўёбга чиқаришга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар мажмуи ва уларни амалга ошириш жараёнининг намоён бўлишидир. Бошқарув маданияти жамиятнинг ташкилот ва муассасаларни бошқариш учун лойиҳалаштирилган жараёндир. Мазкур жараёнда ижтимоий-маданий технологияларга амал қилиш жамиятнинг ривожини ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи инновацион технологиялар ва лойиҳаларни ишлаб чиқишга замин яратади. Бу билан ижтимоий муаммоларнинг олдини олиш ва профилактикаси муҳим аҳамият касб этади.

Муаллиф, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Виртуал ва Халқ қабулхоналарига йилига 1 миллиондан зиёд мурожаат келиб тушаётгани халқ билан мулоқотни янги босқичга олиб чиқишни талаб этади»¹⁹ деган фикрига қўшилади. Дарҳақиқат, бу давлат идоралари раҳбарлари ва ҳокимларнинг халқ билан мулоқотда ижтимоий-маданий технологиялардан самарали фойдаланишни ва мавжуд муаммоларни биргаликда ечиш мақсадидаги замонавий усул зарурлигини намоён этади. Бугунги кунда 208 та Халқ қабулхоналари самарали фаолият юритаётганини инобатга олганда жамият бошқарувида ижтимоий-маданий технологиялар муҳим аҳамиятга эга.

Диссертацияда Ю.П.Сурминов ва Н.В.Туленков каби Европалик файласуф олимларнинг қарашлари қиёсий таҳлил этилган. Уларнинг жамиятни илмий бошқаришда ижтимоий-маданий технологиялардан самарали фойдаланиш учун ҳам ақл, ҳам билим ва ҳаётий тажриба мутаносиблигини таъминлаш зарурлиги ҳақидаги ғояларига ижобий баҳо берилган.

Муаллиф фикрича, жамиятни илмий бошқаришнинг ижтимоий-маданий технологиялари эволюцияси - бу маълум даврда ва даражада қарор топган тамойиллар, мезонлар йиғиндисининг ривожланиб боришидир. Бу ўз навбатида жамият фаолиятида муҳим мезон ҳисобланади. Жамиятни илмий бошқариш ижтимоий-маданий технологиялардан жамият тараққиёти учун хизмат қилишида намоён бўлади. Ижтимоий-маданий технология бошқарув кадрларни ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларни билиш уларда стратегик мақсадларда фойдаланиш маъсулият ва мажбуриятларни оширади. Бу эса, жамиятни илмий бошқаришда ижтимоий-маданий технологияларнинг муҳим таркибий қисми бўлган субъектдан билим ва ижтимоий фаолликни талаб қилади. Ҳозирги даврда ижтимоий-маданий технологиялардан

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёвнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // 24.01.2020. <http://uza.uz>.

фойдаланишнинг янги тизимини шакллантиришга эҳтиёж ортмоқда. Чунки бу жамият тараққиёти ва инсонларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашларида ўз ифодасини топмоқда.

Тадқиқотчи, жамиятни илмий бошқаришнинг ижтимоий-маданий технологияларга амал қилиниши умумий қабул қилинган миллий ва халқаро қоидалари ва уларни амалга ошириш жараёни ҳар бир фуқародан аввало билим, кўникма ва малакани такомиллашнинг зарурлигини асослаган. Бунинг учун Ўзбекистонда ахборот технологияларига ихтисослашган касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш, Олий ўқув юртлари ва Жанубий Корея, Сингапур каби давлатлар билан дастурчиларни тайёрлаш бўйича шартномалар имзоланган. Бу жараён ёшлар онгининг эволюцион ўзгаришлари билан ҳамоҳанг ривожланади.

Муаллиф фикрича, жамиятни илмий бошқаришда аҳолининг ижтимоий-маданий технологиялардан фойдаланиш эркинлиги ва маъсулияти муҳим аҳамиятга эга.

Диссертацияда жамиятни илмий бошқариш шахснинг ахлоқий меъёрларга амал қилиши, ўзини-ўзи назорат қилиш, ўзини-ўзи ташкиллаштириш ўз касбий қобилияти, ваколати доирасида профессионал касбий вазифаларни бажаришда ўз ифодасини топиши асосланган. Муаллиф фикрича, жамиятда қонунларни билиш ва унга амал қилган ҳолда бошқариш усули-жамиятни илмий бошқариш ҳисобланади. Ижтимоий-маданий технологиялар эса, маълум ижтимоий аҳамиятли мақсадларга эришиш йўлида инсоннинг мақсадли фаолиятини амалга ошириш усули бўлиб, мазкур усулнинг моҳияти бажариладиган ишларни келгусида мувофиқлаштириш ҳамда илмий ва маданий тақсимлашдан иборатдир.

Дарҳақиқат, тараққиётнинг янги босқичида халқ билан мулоқотни ташкил этиш орқали жамиятдаги ижтимоий-маданий технологиялар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалда ҳимоя қилувчи янги тизим пайдо бўлди. Яъни, «Инсон манфаатлари – ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият» тамойили ва «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак» деган ғоя ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Хуллас, ижтимоий-маданий технологиялар ижтимоий аҳамиятли натижаларга эришиш йўлидаги инсоннинг мақсадли фаолиятини амалга ошириш воситасидир.

Жамиятни илмий бошқаришда ижтимоий-маданий технологиялардан фойдаланиш шахснинг билими, малакаси, кўникмаси ва хулқ-атвори билан боғлиқ бўлсада, унинг амалда рўёбга чиқиши учун эркинлик, ижтимоий-маданий шарт-шароит ҳам лозим. Бу эса, жамиятнинг ижтимоий юксалиши, маданияти ва субъектларининг маънавий-ахлоқий қиёфасини белгилаб беради.

Диссертациянинг «**Янги тараққиёт босқичида жамиятни илмий бошқаришда ижтимоий-маданий технологияларнинг ўрни**» деб номланган иккинчи бобда демократик ислохотлар самарадорлиги, аввало,

халқ маданиятини ривожлантириш билан бирга янги инновацион технологиялардан фойдаланишнинг зарурати очиб берилган. Бу ўз навбатида жамият тараққиётида ижтимоий-маданий технологиялардан фойдаланилган ҳолда лойиҳалаштириш, уларни модернизациялашни тақозо этади. Муаллиф фикрича, ижтимоий ҳаёт ижодкорликни, янги замонавий технологиялардан яратувчанлик, бунёдкорлик, тадбиркорлик фаолиятида фойдаланишни талаб этилган.

Диссертацияда Ўзбекистон тараққиётининг янги ривожланиш босқичида фуқаролик жамиятининг демократик шакллари асосланган қиёфасини яратиш учун жаҳон ҳамжамяти тажрибасига таяниб Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилганлигига ва бу ижтимоий-маданий технологиялардан фойдаланишнинг янги босқичи деб эътироф этилади. Бу «... глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб борётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда»²⁰. Бу эса, фуқаролик жамиятининг умумэътироф этилган тамойилларига таянган ҳолда ижтимоий-маданий лойиҳалаш технологиясини ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш эҳтиёжини оширади. Назарий лойиҳаларни амалга оширишда ижтимоий-маданий технологиялардан мақсадли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Муаллиф, жамиятни илмий бошқаришда ижтимоий-маданий технологияларнинг лойиҳалаштирилиши янги тараққиёт босқичида замонавий инновацион ёндашув эканлигини очиб берган. Бунда ҳар қандай ижтимоий-маданий технологияларнинг давомийлиги, биринчидан, унинг вақтдаги чегарасида, иккинчидан, бошланғич асосидан якуний босқичигача бўлган муносабатларига ўтиши, аввало, маълум вақтни, тарихий даврни ўз ичига олиши лозим.

Тадқиқотчи жамиятни ижтимоий-маданий бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида ижтимоий-маданий технологияларни лойиҳалаштиришнинг аҳамиятини асослайди. Чунки, жамиятни илмий бошқаришда ижтимоий-маданий лойиҳалаштириш, ўз навбатида, давлатнинг сиёсатида (қабул қилинган стратегияси ёки дастурида) ижтимоий-маданий ислохотларни талаб этади. Ишлаб чиқариш жараёнида инсонга бўлган муносабатни акс эттирувчи яна бир ёндашув-«инсон капитали» назарияси бўлиб, бунга мувофиқ корхона ёки жамиятдаги инсон кучи капитал, яъни мулк сифатида, хусусан моддий кадрият сифатида намоён бўлади. Диссертант, Сингапур инновацион сиёсатининг архитектору Филипп Йонинг: «... Инновациялар-бу дабдаба эмас, балки заруратдир. Биз доимо экспортга йўналтирилган эдик, чунки бизда ички бозор деярли йўқ эди. Бизда ҳеч қандай табиий ресурслар йўқ, шу сабабдан бизнинг бойлигимиз – бу инсон ақли»²¹, деган фикрига қўшилади. Зеро, жамиятни илмий бошқаришда

²⁰Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида /Расмий нашр/. - Тошкент: Адолат, 2017. – Б 4.

²¹Seleznev P.S. The Singaporean modernization: the best innovative practice for Russia. <http://expert.ru/expert/2011/46/vorovstvo--prekrasnaya-strategiya>.

ижтимоий-маданий технологияларнинг замонавий ёндашувларидан бири инсон ресурсларини ривожлантириш концепцияси бўлиб, бунда ташкилот ёки жамият манфаати йўлида шахснинг ўз ташаббуси бўйича самарали меҳнат қилиши учун яратиладиган шароитлар муҳим аҳамиятга эга.

Диссертацияда жамиятни илмий бошқаришда ижтимоий-маданий технологияларни ривожлантириш омили сифатида мазкур муносабатлар субъектларининг эҳтиёжини аниқлаш ва қондириш, уларнинг касбий ва шахсий (маънавий) камолотига эришиши учун шарт-шароит яратиш концепциясида намоён бўлиши очиб берилган. Жамиятда шахснинг ижтимоий-маданий мавқеи унда аниқланган эҳтиёжлари мажмуасига ҳар томонлама таъсир этиши жамиятни илмий бошқаришга доир қарашлар, ёндашувларнинг шаклланиши ва уларни ҳаётда татбиқ этиш натижасини назарда тутди.

Жамиятни илмий бошқаришда ижтимоий-маданий технологияларга бўлган янгича ёндашувлар тараққиётнинг янги босқичида амалга оширилаётган ислохотлар билан бевосита боғлиқдир. Зеро, Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек «Энди ҳар биримиз, энг аввало, давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг вазифаси – ўзимиз маъсул бўлган соҳа ва тармоқда ишларнинг аҳволини танқидий баҳолаш асосида зиммамизга юклатилган вазифаларни маъсулият билан бажаришни таъминлашдан иборат. Шундай давр келди»²². Муаллиф жамият бошқарувидаги ижтимоий-маданий технологияларга инновацион ёндашувларни давлат ва жамият бошқаруви дастурлари²³ доирасида амалга оширилганини очиб берган. Шунингдек, жамиятни илмий бошқаришда ижтимоий-маданий технологиялар нафақат жамиятни илмий бошқариш, балки фуқароларнинг табиий офатларга қарши курашиш, ўзини ўзи ҳимоя қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хуллас, жамиятнинг илмий бошқарувида ижтимоий-маданий технологиялар аҳоли турли қатламларининг ижтимоий-маънавий ҳимоя воситаси сифатида намоён бўлади.

Диссертациянинг **«Фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида ижтимоий-маданий технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш»** деб номланган учинчи бобда барқарор ривожланишда кадрлар салоҳияти, бошқарув бўғини вакиллари, умуман, бошқарув ресурслардан оқилона фойдаланишнинг аҳамияти очиб берилган. Зеро, ҳар қандай мамлакат бошқарув кадрларининг профессионал салоҳияти

²² Мирзиёев. Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимишни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б 235.

²³2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак», 2018 йил «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да «Ҳар бир давлат хизматчиси ҳар куни ўзининг меҳнати билан эгаллаб турган ловозимига лойиқлигини исботлаши шарт», «Ҳар бир оила тадбиркор», 2019 йил «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» «Обод маҳалла», 2020 йил «Илм, маърифат ва рақамли иктисодиётни ривожлантириш йили»да «Жамият – ислохотлар ташаббускори» деб номланган давлат дастури.

давлатнинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-маданий тараққиётининг омили ҳамдир.

Муаллиф фикрича, янгича фикрлайдиган, масъулиятли кадрлар бошқарув усулларини пухта ўзлаштириши бўйича самарали тизим яратилмаса, ижтимоий-маданий технологиялардан фойдаланишни тўлиқ ўзлаштирмаса давлат бошқарувида сифат ўзгариши юз бермайди. Бу эса, Ўзбекистон Республикаси ривожланиш стратегиясида белгиланган аниқ мақсад ва вазифаларни амалга оширишни тақозо этади, уни амалга ошириш учун кадрлар коррупциясини бартараф этиш лозим. Фаворитизм, лоббизм, непотизм каби кадрлар коррупцияси давом этган давлатда ижтимоий маданий технологиялар ривожлансада тизим ўзгаришига эришиш мумкин эмас.

Диссертацияда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, уни янги босқичга кўтариш зарурурати ижтимоий-маданий технологиялар билан боғлиқлиги асосланган. Муаллиф фикрича, давлат ва жамият бошқарувида кадрларнинг илмий салоҳияти ва маҳорати бошқарув самарадорлигини таъминлаш омилидир.

Илмий адабиётлардаги «кадр»лар тушунчасининг таҳлили асосида муаллиф, «рахбар кадрлар салоҳияти» давлат бошқарув ташкилотларида ижтимоий муҳит яратувчиларидир деб ҳисоблайди. Бошқарув жараёнида рахбар кадрларнинг яширин қобилияти ва айни пайтда инсоний фазилатлари намоён бўлади.

Диссертацияда жамият бошқарувида инсон ресурсларининг ҳимояси алоҳида эътибор қаратилган, бу «Ақлли тартибга солиш» модели²⁴ концепциясининг таҳлилида ўз ифодасини топган. Шу нуқтаи назардан, давлатнинг бош ислохотчилик мақоми рахбарлар зиммасига, айниқса, бошқарув ходимларига алоҳида масъулият юклайди. Бу ижтимоий-маданий технологиялардан фойдаланишда ижодий фаолиятни тезлаштиради. Ҳозирги даврда технологиялардан фойдаланишни билмаслик, инсоннинг анъанавий мулоқот усулларига мойиллиги унинг жамиятдаги иш услубидан орқада қолиши ва пироворд натижада ўзининг ходим сифатидаги ўрнини йўқотишига олиб келади.

Хуллас, ҳозирги даврдаги кадрлар сиёсати бошқарув тизимини замонавий билимларни, ижтимоий бошқарув тизимида қўллаш малакаларига эга бўлган кадрлар билан таъминлашни тақозо этади. Уларнинг ватанпарварлиги, билими, фаолиятнинг йўналишларида ўз ифодасини топади.

Диссертацияда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантиришнинг инновацион моделлари очиб берилган. Ижтимоий-маданий технологиялардан бири ҳисобланган концептуал-эвристик

²⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармон. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 979-модда.

технология жамиятда тарбиявий аҳамият касб этади. Бу шахсларнинг онгли фаолиятини ривожлантиришга, уни ўз ўзини тарбиялашга йўналган.

Муаллиф фикрича, концептуаллик эвристик технология ижодий билим фаолияти кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган технологиядир. Жамиятни илмий бошқаришда концептуал-эвристик технологиялар ижтимоий гуманитар фанларнинг концептуал ривожланиш босқичларини белгилаб беради. Жамиятдаги ижтимоий-маданий зиддиятни топиш, тадқиқот мақсадини аниқлаш, муҳокама қилинаётган муаммоларнинг катта қисмига интегратив ёндашув каби мақсадларда намоён бўлади.

Хуллас, ижтимоий-маданий технологиялар бу вақтдан унумли фойдаланиш имконини берувчи фаолият воситаси сифатида, субъектнинг рухий ҳолати билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис, концептуал-эвристик технологиялар ўзига хос ижодий фаолият методларининг мажмуи сифатида жамиятда амал қилади ва давр руҳи ўзгариши билан янгиланиб боради.

ХУЛОСА

Жамиятни илмий бошқаришда ижтимоий-маданий технологияларнинг ўрнини тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Жамиятни илмий бошқариш ўз моҳиятига кўра ижтимоий-маданий технология ҳисобланади. Бу ўз навбатида давлат ва жамият бошқарувида рационал тафаккур билан ишлаб чиқилади ва ижтимоий онгга татбиқ этилиши муҳим аҳамиятга эга.

2. Ижтимоий-маданий технологиялар тараққиётнинг янги босқичида шахс дунёқарашининг маданий кўринишларидан бири сифатида шаклланди. Ижтимоий эҳтиёжлар жараёнида такомиллашиб аҳоли ҳаёти ва давлат бошқарувининг таркибли қисмига айланди.

3. Жамиятни илмий бошқаришнинг ижтимоий-маданий технологияларини амалга оширишда инсон омили ва унинг имкониятлари тўғрисидаги қараш муҳимдир. Бу билан комил инсонни шакллантириш билан ижтимоий-маданий технологияларни ривожлантирувчи етук кадрлар шаклланади. Етук кадрлар давлат ва жамият бошқарувида ижтимоий-маданий технологияларни белгиловчи асосий омилдир.

4. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида ижтимоий-маданий технологияларнинг инновацион моделларини яратиш ва концептуал-эвристик технологияларидан тўғри фойдаланиш шахс маънавияти эканлиги аҳамиятга эга.

5. Жамиятни илмий бошқаришнинг ижтимоий-маданий технологиялардан тизимли равишда фойдаланиш кенг жамоатчиликни, олимларни, тажрибали педагогларни, меҳнат фахрийларини, намунали оила аъзоларини жалб қилиш, уларнинг соҳадаги шахсий намуналари ва тажрибаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот натижасида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди;

1. Жамиятни илмий бошқаришнинг ижтимоий-маданий технологияларига оид тадқиқотларни кенгайтириш.

2. Таълим тизимининг барча босқичларида ҳамда илмий педагогик кадрларнинг малакаси ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида ижтимоий-маданий технологиялардан фойдаланишни ўргатиш мақсадида ўқув-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш тавсия этилади.

3. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази тарғиботчилари гуруҳи ва олимлар иштирокида жамиятни илмий бошқариш ва ижтимоий-маданий технологиялар жараёнлар таҳлиliga оид маърузалар тайёрлаш мақсадга мувофиқ.

4. Республика оммавий ахборот воситалари, шунингдек, коммуникация технологияларининг бошқа шакллари асосида ижтимоий-маданий технологияларга оид муаммоларни янада чуқур таҳлил этишни янги босқичга кўтариш учун танқидий таҳлилий рўкнлар фаолиятини такомиллаштириш таклиф этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 30.12.2019. F.01.05.
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЮЛДАШЕВ СЕРОБЖОН УРМОНАЛИЕВИЧ

**МЕСТО СОЦИАЛЬНО-КУЛЬТУРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В НАУЧНОМ
УПРАВЛЕНИИ ОБЩЕСТВОМ**

**09.00.02 – Философия форм сознания, культуры и практики
(Философия культуры и культурология)**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD)
по философии наук**

Ташкент – 2020

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером № B2019.3.PhD/Fal95.

Диссертация выполнена в Ферганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (ik-falsafa.nuu.uz) и на информационном образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Каххорова Матлюба Манофовна**
доктор философских наук

Официальные оппоненты: **Нурматова Мукаррам Ахмедовна**
доктор философских наук, профессор

Шодиев Рустам Тохирович
доктор философских наук, профессор

Ведущая организация: **Наманганский государственный университет**

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.30.12.2019.F.01.05 по присуждению ученых степеней при Национальном университете Узбекистан в 14:00 часов «10» декабрь 2020 года (Адрес: 100174, город Ташкент, ул. Университетская, дом 4, здание факультета Социальных наук Национального Университета Узбекистана, 5-й этаж, комната 511 Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана. (Зарегистрирована под №____). (Адрес: 100174, город Ташкент, ул. Университетская, дом 4, Административный корпус НУУз, 2-й этаж, комната 4. Тел.: (99871) 236-46-55; факс (99871) 246-02-24.

Автореферат диссертации разослан “_____” _____ 2020 г.
(протокол №__ от “_____” _____ 2020 г.)

Н.А.Шермухамедова

Председателя Научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук,
профессор

У.А. Махкамов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней,
д.ф. (PhD)

Г.Т. Махмудова

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Одним из важных факторов социокультурного развития в мире стал процесс научного управления обществом и развитие социокультурных технологий. Интенсивность технократического прогресса требует от людей приобретения знаний в соответствии с духом времени. В управлении государством и обществом социокультурные технологии становятся необходимостью повседневной практики. Традиционные межличностные отношения улучшаются с помощью социокультурных технологий. Это показывает, что изучение социокультурных технологий и их использование в позитивных целях актуально.

В научно-исследовательских институтах и центрах мира осуществляются научные исследования, посвященные совершенствованию системы управления государством и обществом с помощью социально-культурных технологий, формированию инновационного подхода к межличностным отношениям, их значению в обновлении культурных связей. Определяются положительные и негативные аспекты новой системы культурных связей, развивающихся в третьем тысячелетии. Поскольку социально-культурные технологии являются причиной формирования виртуального бытия, а также непосредственного отчуждения людей. Это показывает необходимость рационального использования человечеством социально-культурных технологий.

Несмотря на то, что в Узбекистане практика использования социально-культурных технологий началась позднее, заслуживает внимания тот факт, что в настоящее время интернет достиг самых отдаленных сел. Образование в государственном управлении “Народных приемных”, центров “Одного окна”, внедрение оформления документов абитуриентов в электронной форме в 2020-2021 учебном году, системы «Электронного правительства» и единой базы данных свидетельствует об интенсивных темпах роста технологического процесса в Узбекистане. Поскольку «В современном мире интеллектуально и духовно развитая, инициативная молодежь становится драйвером устойчивого прогресса. Сегодня молодое поколение нового Узбекистана – это движущая сила и активный участник динамичных и масштабных реформ по модернизации страны»²⁵. Это предполагает использование социально-культурных технологий в положительных целях. Новая страница социальных отношений в обновляющемся Узбекистане имеет актуальное значение в качестве гарантии духовного совершенствования.

Настоящая диссертация в определенной мере послужит выполнению задач, поставленных в Указах и Постановлениях Президента Республики

²⁵ Поздравление Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева участников Самаркандского форума по правам человека «Молодежь 2020: глобальная солидарность, устойчивое развитие и права человека». - <http://uza.uz/ru/politics/uchastnikam-samarkandskogo-foruma-po-pravam-cheloveka-molode-12-08-2020>

Узбекистан УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, УП-5106 «О мерах по повышению эффективности государственной молодежной политики и поддержке деятельности Союза молодежи Узбекистана» от 5 июля 2017 года, УП-5185 «Об утверждении Концепции административной реформы в Республике Узбекистан» от 8 сентября 2017 года, УП-5430 «О мерах по коренному повышению роли институтов гражданского общества в процессе демократического обновления страны» от 4 мая 2018 года, УП-5847 «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 8 октября 2019 года и ПП-4307 от 3 мая 2019 года «О дополнительных мерах по повышению эффективности духовно-просветительской работы», Послании Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису Республики Узбекистан от 24 января 2020 года, а также других нормативно-правовых актах, связанных с данной сферой.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики I. «Формирование духовно-нравственных и культурных принципов развития правового демократического государства и гражданского общества, инновационной экономики».

Степень разработанности проблемы. Концептуальные идеи и положения по совершенствованию социально-культурных технологий, социально-политической сферы, развитию кадровой политики и культуры управления в соответствии с демократическими ценностями, раскрыты в трудах Первого Президента Республики Узбекистан²⁶, трудах Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева²⁷. В настоящее время «Народные приемные и Виртуальная приемная Президента Республики Узбекистан стали своеобразным демократическим институтом по работе с обращениями граждан»²⁸, с этой точки зрения использование социально-культурных технологий в научном управлении обществом представляется важной составной частью жизни.

Идеи о том, что межличностные отношений являются фактором обновления духовной жизни, раскрыты в творчестве великих мыслителей Востока и Запада. В частности, идея Авесты о том, что «Страна с чистыми намерениями всегда развивается и прогрессирует»²⁹, является указанием на то, что необходимо опираться на духовное совершенствование и нравственную чистоту. Абу Наср Фараби подчеркивал: «Город, в котором жители, помогая

²⁶ Каримов И.А. Асарлар тўплами. Том. 1-24. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996-2015.

²⁷ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Том.1. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 б; Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Том. 2. –Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 508 б; Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Том. 3.- Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 400 б.

²⁸Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису //22.12.2017. - <http://uza.uz/ru/politics/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeev-23-12-2017>

²⁹ «Авесто»дан «Шохнома»га / Ҳомидий Ҳомиджон. Маъсул муҳаррир Н.Комилов. – Тошкент: Шарқ, 2007. - Б. 155.

